

ЖИНОЯТЛАРНИ ОЧИШДА КОМПЬЮТЕР ДАСТУРЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШНИНГ АЙРИМ ЖИХАТЛАРИ

Ҳоҷиев Набулло Миртемирович

ИИБ Академияси Жиноят ҳуқуқи

кафедраси катта ўқитувчиси

Ахборот технологиялари жадал ривожланиб бораётган бир пайтда ҳуқуқбузарликка қарши кураш, жиноятларнинг олдини олиш ва очишда замонавий техник-дастурий воситалардан фойдаланиш объектив заруратга айланиб бормоқда. Буни тезкор-қидирув фаолияти мисолида ҳам яққол кўришимиз мумкин.

Тезкор-қидирув фаолиятини амалга оширувчи органларнинг ходимлари жиноятларни очишнинг дастлабки босқичида мавжуд бўлган маълумотларга асосланиб, содир этилган жиноят билан боғлиқ ҳолатларни тушунишнинг энг тўғри йўлини танлаган тақдирдагина жиноятларни аниқлаш, очиш, шунингдек уларни содир этган шахсларни аниқлаш мумкин бўлади. Гап тезкор-қидирув фаолиятини самарали амалга оширишнинг асоси сифатида тезкор бўлинмаларнинг кучлари, воситалари ва усулларида мақсадга мувофиқ фойдаланиш ҳақида бормоқда.

Замонавий шароитда тезкор-қидирувни янада компьютерлаштириш ва хусусан, жиноятларнинг алоҳида турларини очишда ёрдам берадиган махсус компьютер дастурларидан фойдаланиш зарурати пайдо бўлди.

Мазкур масаланинг долзарблиги жиноятларнинг айрим турларини очиш бўйича фан томонидан ишлаб чиқилган кўп сонли методик тавсияларда келтирилган қоидаларни амалда қўллаш механизми мавжуд эмаслигида ўз ифодасини топади. Бошқача қилиб айтганда, тезкор-қидирув амалиёти учун тавсияларнинг юқори назарий даражаси ва тезкор ходимларнинг уларни ўзлаштириш, эслаб қолиш ва амалий фаолиятларида фойдаланиш бўйича субъектив имкониятлари ўртасида катта тафовут мавжуд. Шу билан бирга, ушбу кўрсатмалар тезкор-қидирув фаолиятининг муайян вазиятларида амалга оширилади. Бу шуни англатадики, жиноятларни очиш усулларида алгоритмлаш жиноятларни очиш назарияси ва амалиёти ўртасида боғловчи элемент бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Дастурлаш масаласи нафақат жуда мураккаб, балки жуда зиддиятли ҳамдир, чунки кўплаб ҳолат ва ҳодисаларнинг индивидуал, ўзига хос хусусияти, тезкор-қидирув вазиятларининг хилма-хиллиги, уларни илмий умумлаштиришдаги қийинчиликлар ва бир қатор бошқа муҳим омилларни ҳисобга олиш зарур.

Информатика фанида алгоритмга: “кўзланган натижага эришиш учун

қилиниши керак бўлган аниқ кўрсатмалар кетма-кетлиги¹ – деб таъриф берилади. Алгоритм кенг маънода фақат компьютерга оид атама бўлмай, балки унда берилган кўрсатмаларни бажара олувчи ҳар қандай нарсага оиддир. Дастурий таъминот (SOFTWARE) бу компьютерда маълум бир турдаги вазифани бажариш учун ишлаб чиқилган воситадир. Айнан шу дастурий таъминотгина “компьютер – куруқ темир” деган атамани йўққа чиқарган. Дастурий воситалар Компьютер томонидан қўлланиладиган барча дастурлар тўпламидир².

Фикримизча, жиноятларни очиш бўйича ҳаракатлар мажмуини белгилашда жиноятларни очишнинг дастлабки босқичида юзага келадиган типик тезкор-тактик вазифаларни ҳал қилиш ва мақсадни аниқлаштиришда тезкор ходимни методик ахборот билан таъминлашга хизмат қилувчи дастурлаштириш тушунчаси кўпроқ мос келади. Ушбу методик ахборот алоҳида тезкор вазиятни тушуниш бўйича тавсияларни шакллантиради ва тизимлаштиради.

Албатта, ҳар доим ҳам жиноятларни очишни дастурлаштириш шунчаки иложсиз. Шунинг учун, биз фақат маълум бир таркибий доимийликка эга бўлган, кўп маротаба такрорланадиган вазиятлар ҳақида, шунингдек жиноятларни очиш амалиётидаги типик тезкор вазиятлар ҳақида фикр юритишимиз ўринлироқ.

Шуни ҳам айтиш жоизки, типик тезкор вазиятларда жиноятларни очиш ва унга мос келувчи тезкор-қидирув тадбирлари тизимини ишлаб чиқиш бошқа бир қатор йўналишларда ҳам мақсадга мувофиқ ҳисобланади, масалан: қидирув ишларида, агентура аппаратурини шакллантириш ва ундан фойдаланишда, тезкор комбинациялар ва тезкор-қидирув тадбирларини амалга оширишда.

Дастурнинг муҳим ўзига хос хусусияти шундаки, у аниқ ва ўзига хос услубий кўрсатмалардан иборат бўлиб, кераксиз ахборот юкламасидан (қарашлар, фикрлар, танқидлар, полемикалар, тушунтиришлар ва ҳк) ҳоли бўлиши лозим. Қисқа алгоритмлар кўринишида ифодаланган бундай дастурлар керакли маълумотларни қидириш ва улар ўртасида боғлиқликни ўрнатиш учун минимал ҳаракатлар талаб этадиган даражада тизимлаштирилиши керак³.

Дастурлаш тезкор ходимни зарур услубий маълумотлар билан таъминлаш билан бирга, ижодий вазифаларни самарали ҳал қилишга ҳисса қўшиши ҳам муҳимдир.

Айрим турдаги жиноятларни очиш учун стандарт дастурдан фойдаланиш ушбу турдаги барча жиноятларни аниқлаш ва очиш имкониятини англамайди. Бунинг сабаби шундаки, стандарт дастурлар маълум бир жиноятнинг барча фактларини ҳисобга ололмайди. Шунинг учун, тезкор ходим фақатгина бундай

¹ <https://uz.wikipedia.org/wiki/Algoritm>

² https://uz.wikipedia.org/wiki/Dasturiy_ta%CA%BCminot

³ Соя-Серко Л.Я. Программирование как метод рационализации расследования // Теоретические и практические проблемы программирования процесса расследования преступлений. Свердловск. 2009. С. 33,34.

дастурлардан фойдаланишга таяниб қолмаслиги ва мазкур дастурларнинг мавжудлиги ходимни жиноятни аниқлаш ва очиш учун мустақил фаолият юритишдан озод қилади, деб ҳисобламаслиги зарур.

Жиноятларнинг айрим турларини очишнинг стандарт усуллари (дастурлари)дан фойдаланиш самарали бўлиши ва тезкор тактик жиҳатдан тўғри қарорларни қабул қилишда ёрдам бериши учун дастур муайян талабларга жавоб бериши керак.

Олимларининг жиноятчиликка қарши курашни дастурлаш (алгоритмлаш) муаммолари бўйича назарий қарашларига асосланиб⁴, "ишлаб чиқилган дастурлар (жиноятларнинг айрим турларини фош қилиш учун тезкор методика) жавоб бериши керак бўлган қуйидаги талабларни келтириш мумкин:

- *тавсиявий хусусият*. Дастур жиноятларни аниқлаш ва очишнинг маълум бир босқичи учун мўлжалланган тавсиялар тизими бўлиши керак (асосан, жиноятларни очишнинг дастлабки босқичида), тезкор ходимни ҳаракатлар кетма-кетлигини қатъий тартибга соладиган буйруқлар ва кўрсатмалар тизими эмас;

- *илмийлик ва қонунийлик*. Дастур илмий маълумотларга, махсус адабиётларни ўрганиш натижаларига, тезкор-қидирув амалиёти ва амалдаги қонунлар (Ўзбекистон Республикасининг "Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида"ги Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-протсессуал кодекси, жиноятчиликка қарши курашни тартибга солувчи бошқа қонунлар ва норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар)га асосланган бўлиши керак;

- *оптималлик*. Дастур оптимал, яъни ихчам ва аниқ бўлиши керак, шу билан бирга, тасвирланаётган ҳолатни ҳар томонлама, мураккаблик даражасини кўришга имкон берадиган кенг камровли бўлиши лозим;

- *версияларнинг эҳтимолий табиати*. И.Е.Биховский тўғри таъкидлаганидек, одатий дастур ёрдамида атипик жиноятни очиб бўлмайди. Шундай қилиб, ҳар қандай турдаги версия тизимлари тўпланган маълумотларнинг эҳтимолий хусусиятларини кўрсатиши керак, шунда амалиётчилар муайян жиноятга қарши курашда юзага келадиган бошқа версиялардан фойдаланишлари мумкин"⁵.

- *мослашувчанлик ва кўпвариантлик*. Жиноятларни аниқлашнинг самарали дастурларини яратиш вазиятларни умумлаштириш усули (вазиятни

⁴ Селиванов Н.А., Эйсман А.А. Проблемы программирования расследования и совершенствования криминалистических методик // Вопросы борьбы с преступностью. Вып. 46. М., 1988. С. 138-147; Теоретические и практические проблемы программирования процесса расследования преступлений: С. науч. статей. Свердловск. 1989; Шаталов А.С. Проблемы алгоритмизации расследования преступлений: Дис. ... д-ра. юрид. наук. - М., 2000; Сливинский К.О. Алгоритмизация деятельности следователя. Дис. ... канд. юрид. наук. - М, 2004 и др.

⁵ Быховский И.Е. Программированное расследование: возможности и перспективы // Актуальные проблемы криминалистики. - М., 2000. С. 61

моделлаштириш)⁶ ёрдамида таъминланади, унинг моҳияти шундан иборатки, кўпгина вазиятлар бир ёки бир нечта умумлаштирилган вазиятларга бирлаштирилиб, улар учун мақбул қарорлар қабул қилиш мақсадида амалий ҳаракатлар дастурлари ишлаб чиқилади. Шунинг ёдда тутиш керакки, яратилган дастурлар муайян тезкор вазиятларининг маълум бир гуруҳи учун умумлаштирилади ва битта гуруҳдаги айнан бир ҳолат учун қатъий ва мажбурий бўлмайди.

- *самарадорлик.* Дастур умуман жиноятларни очиш жараёнини осонлаштириши, тезкор ходимнинг минимал вақт ва куч сарфлашига ёрдам бериши, тезкор-қидирув тадбири режасини тузишда ёрдам бериши керак. Бундай дастурлардан фойдаланиш маълум якуний натижага эришишни ҳам назарда тутди. Шунинг ёдда тутиш керакки, дастурни қўллаш натижаси вазифани ҳал қилишда якуний қарорни аниқлатмайди.

Фикримизча, жиноятнинг муайян турини фойда эетишнинг умумий дастурига қўйидагилар киритилиши керак: ушбу турдаги жиноятнинг тезкор-қидирув хусусиятлари, жиноятларга қарши курашиш бўйича ишларнинг дастлабки босқичида вужудга келадиган дастлабки тезкор-қидирув вазиятлари тизими; дастлабки ҳолатлардан келиб чиқиб, нисбатан тез-тез амалга ошириладиган индивидуал тезкор тадбирларнинг қисқа дастурлари; энг мақбул тезкор тадбирлар кетма-кетлиги; типик версиялар тизими (умумий ва хусусий).

Фикримизча, биз жиноятни очишда ва тергов қилишда компьютер технологияларидан фойдаланиш мажбурий эмас, балки тавсиявий ҳарактерга эга, деган нуқтаи назарга қўшилишимиз керак. Компьютер дастурлари аниқ ҳулоса бермайди, фақатгина риоя қилиниши ёки эътиборсиз қолдирилиши мумкин бўлган тавсиялар беради.

Жиноятни очишнинг дастлабки босқичида тезкор маълумотлар кўпинча ноаниқ бўлганлиги сабабли, компьютер дастурларини тузишда аниқ ҳаракатлар кетма-кетлиги билан эмас, балки уларнинг турли хил вариантларини танлаш билан ишлаш керак. Бу баъзи бошланғич маълумотлар нотўғри ёки етишмаётган бўлса ҳам, мавжуд вариантлардан бирини танлаш имкониятини берадиган компьютер дастурларидан фойдаланиш орқали таъминланади.

⁶ Драпкин Л.Я. Ситуационный подход в криминалистике и программирование расследования // Проблемы программирования, организации и информационного обеспечения предварительного следствия. - Уфа. 2009. С. 28-29